ЁЗУВЧИНИНГ ЎЛИМГА МУНОСАБАТИНИ ИФОДАЛАШДА БАДИИЙ НУТҚ ВА ХАРАКТЕР ТАДРИЖИ

Имомов Элёржон Тўхтасинович
"Alfraganus university" катта ўқитувчиси
E-mail: elyor_imomov@yahoo.com
Tel: +998978230721

Аннотация. Ушбу мақолада Инглиз адабиётида ҳам, ўзбек адабиётида ҳам ШАХСнинг ўз мувозанатини йўқотиши ҳалокатга олиб борувчи қизил чизиқ эканлиги аёнлашади. С.Моэм, У.Ҳамдам, Л.Бўрихон қаҳрамонлари табиатида мана шу чигал масалалар бадиий инъикосини топди. Бадиий нутқ, адибнинг шахсий позицияси инсонга бўлган дунёқарашнинг мантиқий давоми десак, муболаға қилмаган бўламиз. Таҳлилга тортилган романларда булар абсурд қаҳрамон сифатида талқин этилиши кўриб чиқилади.

Калит сўзлар: Бадиий нутқ, қаҳрамонлар, шахс, ўлим, ўзбек адабиёти, Инглиз адабиёти.

Abstract. This article shows that in both English and Uzbek literature, the loss of a PERSON's balance is a red line leading to disaster. These complex issues found artistic reflection in the nature of the heroes of S. Maugham, U. Hamdam, L. Burikhan. It would not be an exaggeration to say that artistic speech, the personal position of the writer, is a logical continuation of the worldview of a person. In the analyzed novels, the interpretation of these as absurd heroes is considered.

Keywords: Literary discourse, characters, personality, death, Uzbek literature, English literature.

Аннотация. В данной статье показано, что как в английской, так и в узбекской литературе потеря ЛИЧНОСТНОГО равновесия является красной линией, ведущей к катастрофе. Эти сложные вопросы нашли художественное отражение в природе героев С. Моэма, У. Хамдама, Л. Бурихана. Не будет преувеличением сказать, что литературная речь, личная позиция писателя является логическим продолжением мировоззрения человека. В анализируемых романах рассматривается интерпретация этих героев как абсурдных.

Ключевые слова: литературная речь, герои, личность, смерть, узбекская литература, английская литература.

КИРИШ

XX аср бошларида ўзбек адабиётига жаҳон насрининг таъсири сезиларли жуда кучли бўлди. хусусан, жадидлар бошлаб берган анъана негизида миллатнинг қора кунларидан тезроқ қутулиш илинжи А.Қодирий, Чўлпон, Фитрат. Беҳбудий каби закий маърифатпарварларнинг асосий илғор

ISSN 3030-3907

ғоялари эди. Улар Гўзал Туркистон ўлкасининг мустамлакадан озод бўлиб, эркин ва фаровон ҳаёт кечиришини исташлик ётарди. Жадидлар бошлаб берган улуғвор ғоялар ва мақсадлар ҳар қандай соҳани гуркиратиб юборадиган даражада оқилона эди. Ана шу ўлмас ғояларни янчиб. Гулдек ўғлонларни ёшлигидан жувонмарг қилишга бел боғлаган қаттол тузум қиличида не-не зиёлилар қўлига ва тилига кишан босилди. Дунёга чиқиш истагида бўлган улуғвор ғояларнинг онгу тафаккурдагина сақланиб қолгани ғоят ачинарли ҳолдир. Лекин шундай бўлса-да, комил жамият тузиш орзусидаги хатти-ҳаракталар бадиий асарларга кўчиб ўтди. Даврнинг оғриқларини кўрсатиб бериш, жадидларнинг миллий ғоясининг ўзгинас эди. Афсуслар бўлсинки, булар орзуларнинг аламли юки бўлиб қолди десак, муболаға бўлмайди.

Инглиз адабиётида донг таратган С.Моэмнинг “Ой ва сариқ чақа” асаридаги воқелик – Европа халқларига тинимсиз сайр қилган, кўчиб юриб ижод қилган, у жойлардаги одамлар руҳиятини теран ўрганган ёзувчи қаҳрамонлари ўзи ккаби бир жойда муқим яшай олмаган. Кўчиш ва кетишлардан олинган таассуротлар адибнинг жуда кўпчилик асаарларида ўз ифодасини топган. Шунингдек, ўз тақдири йўлида қўрқув ва ваҳимадан сира тап тортмайдиган образлари бугунги ўзбек адабиётидаги қисса ва роман, ҳикоя. Новелла ёзувчи қатор ижодкорларга ижобий таъсир кўрсатгани айни ҳақиқатдир. Ёзувчи ижодида ўлимнинг силлиқ кўринишини ҳис этамиз. У қаҳрамонларини тақдирини шу қадар ихчам ва беозор кўринишда тасвирлайдики, ўқувчи ҳар бир характерни “яхши кўриб”, унга ачиниш ҳисси пайдо бўлганлигини теран англаб етади. Мана шу талқин “Ой ва сариқ чақа” номли романида Чарлз Стрикленд характерида маромига етади. Ўлим адабиётнинг азалий ва абадий маавзуси. Ҳаёт нима? деган саволга файласуф ёзувчилар турлича жавоб берадилар.

Рус ёзувчиси Лев Толстой “Иқрорнома” асарида шундай талқин қилади: “Ғалати бир манзара: одамлар диний эътиқодларга сиғиниб, уларга зид тарзда ҳаёт кечирганларини кўрганимда шу эътиқодлардан безиб ккетгандим. Аммо одамлар худди шу эътиқодларнинг Ўзига амал қилиб яшаганларини ккўрганимда улар менга ғоятда жозибадор ва оқилона кўринди. Шунда мен нега бир вақтлар бу эътиқодлардан безганимни, негавв уларни маъносиз деб ҳисоблаганимни, эндиликда эса нима сабабдан уларни қабул қилганимни ва жуда маънодор, деб ҳисоблаётганимни тушундим. Мен адашганимни ва қандай қилиб адашганимни англадим. Мен нотўғри фикр юритганим учун адашган эканман, балки гуноҳкорона ҳаёт ккечирганим учун адашган эканман. Мен англадим – ҳақиқат юзини мендан яширган нарса

ISSN 3030-3907

фикрларимдаги хатолик бўлмаган экан, балки фавқулодда ишратбозлик шароитида, маишатпарастлик шароитида, балои нафсни қондириш йўлида ўтказган ҳаётим бўлган экан”[9].

Кўринадики, ёзувчи ўз иқрорномасида хато ва нуқсонлар, нафс деган кўзга кўринмас, ғоят жозибали бир жувон каби алдамчилигини тан олмоққда. Шайтон йўлида қаандай гуноҳлар қилган бўлса, адиб барчасига иқрор бўлади. Тавба ҳаамда тазарру қилиб, Аллоҳдан уни кечиришларини ўтиниб сўрайди. Бироқ у айтадики, вақт аллақачон ўтиб бўлганди. Ёшим саксонга яқинлаб қолганида пушаймонликдан менга нима наф, шундай бўлса-да, бошқа мени ўқийдиган янги авлод мен қилган хато ҳамда нуқсонларни қайта такрорламасин деган мақсадда бу битикларни рўй-рост ифодалайди. Ёзувчининг асл мақсади ҳам, муддаоси ҳам шундай эди. У умри охирида ислом динини қабул қилади. Натижада, насроний динига эътиқод қилувчиларга балодек бўлиб кўринади. Буларнинг барчаси Лев Толстойнинг Европа ва рус адабиётидаги орттирган ҳаётий тажрибалари сифатида ўз асарларида турли ҳил сюжетлар. Воқеалар таарзида муҳрланиб қолди.

“Ўлмасдан туриб ўлмоқлик” жисмоний ўлимни эмас, руҳий тозариш (катарсис)ни ёдимизга солади. Айни дамда, Европа халқлари адабиётидан кириб келган қаҳрамон нутқини индивидуаллаштириш модификацияси ҳар бир асар сюжети ва композициясида бадиийлик ишартлари ҳамда мезонини тартиблаштиради.

“Эртасига Стриклендни олиб келдик. Бу ишга кўндириш учун анчагина қатъият ва сабр-тоқат кўрсатишга тўғри келди. Лекин у ҳақиқатан анчагина оғир хаста эди, шу туфайли, Струвенинг илтижоларию менинг қатъиятимга дош бера олмади. Биз уни кийинтиргунимизча, минғиллаб сўкиниб турди. Зинадан олиб тушдик-да, извошга ўтқазиб, Струвенинг устахонасига олиб келдик. Стрикленд бундай ҳаракатлардан обдон тинкаси қуриди, кўрпа-тўшак қилиб ётқизиб қўйишимизга ҳам қаршилик кўрсата олмади. Бир ярим ойгача мазаси бўлмади. Шундай кунлар ҳам бўлдики, назаримизда, бир неча соатлик умри қолгандек туюларди. Бундай оғир ҳолатдан фақат Струвенинг фавқулодда қатъийлиги туфайлигина омон қолганига ишонаман. Мен умрим бино бўлиб бундай беморни кўрмаганман. У қайсар ва йўқ нарсаларни талаб этаверадиган бемор эмасди, аксинча, ҳеч қачон ҳеч нарсадан шикоят қилмас, ҳеч нарса сўрамас, қарийб ҳеч нарса демасди. Бизнинг ғамхўрлигимиз унинг ғазабини келтираётгандай эди. Ўзини қандай ҳис этаётгани, бирор нарса керак, керакмаслигини сўраганимизда эса масхаралаш билан жавоб қайтарар ёхуд сўкинарди. Мен энди уни бутунлай ёмон кўриб қолгандим, касаллик

[9] Лев Толстой. Иқрорнома. –Т: “Янги аср авлоди”. 2022. –Б.155.

ISSN 3030-3907

хавф-хатаридан қутулиши биланоқ, бу тўғрисида унга тўғридан-тўғри айтдим”[10].

Буюк рассмо бўлиш орзусида ўз оиласини ташлаб кетган Чарлз Стрикленд тақдири асар хотимасида қандай ўлим топганини, бир умр саргон-саргардонлик важидан уқубатларни тотган қаҳрамон ҳеч бир китобхонни бефарқ қолдирмайди. Ёзувчи қаҳрамоннинг ўй-хаёллари билан Европага хос миллий урф-одатларини матн таркибига сингдиришга эришади. Бундай тасвир усули Америкалик ёзувчи Эрнест Хемингуэй асарларида ҳам яққол ўз тасдиғини топади. Ш.Холмирзаевнинг қатор ҳикоя ва қиссаларида ҳам айнан шундай бадиий нутқ табиати қаҳрамон кечинмалари билан ёзувчи ижодий концепциясини типиклаштиради. Ҳар бир воқеа-ҳодиса табиатида монологик, диалогик, полифоник нутқ кўринишлари реал моҳиятга эврилади. Ёзувчи Чарлз Стрикленд образи билан дунё адабиётида янгича услубий-шаклий ўзига хосликнинг пайдо бўлишига катта ҳисса қўшади Айни шу тамойил Сомерсет Моэм бадиийизланишларида фалсафий-психологик талқин оргиналлигини далолатлайди. Инсоният ўзининг етиб келган манзиллару маконларида адашишлари, йўқотишлари, оила ва қадриятлар кесишмасида одамларнинг яшаш маслагининг нечоғли турланиб, ўзгариб кетганлигини юксак даражада тасвирлар экан, Чарлзнинг рассом бўлолмасдан, бир истеъдоднинг нобуд бўлиши – халқлар таназуллига, ҳар қандай даврда маҳоратли одамнинг жамиятга кераксиз эканлигини кафолатлашга ҳаракат қилади. Қаҳрамон жуда ёлғиз қолади. Чунки унинг борадиган уйи, Ватани ҳамда уни тушунадиган одам бўлмайди.

Ёлғизлик ва айрилиқ талқинида адиб Чарлз Стрикленд тақдирига шу қадар муҳаббат билан баҳо берадики, уни кўрган одам маишат ва ичкиликдан боши чиқмаган одам деб, тасаввур уйғотиди.

Агар Чарл Стрикленд ўртамиёна рассом бўлганида ёзувчи бу қаҳрамонни асарнинг марказида туриб ифодаламасди. Чунончи асар XX аср бошларидаги Европанинг биринчи ва иккинчи жаҳон уруши йилларида йўқотган маънавий таназзулининг ёрқин намунаси сифатида баҳолайди. Ахир, у катта мақсад билан йўлга чиққан йўловчи эмас, ҳақиқий адабий қаҳрамон бўлади. Сафар хотиралари, одамлар билан мулоқот, орттирилган дўсту ёрлар, танишлар, оғриқлар ва мусибатлар бош қаҳрамоннинг қалнигина безовталайди. Вокзалларару меҳмонхоналардан ҳайдалишлар, кўпчилик жойларда дарвешона, ҳақирона кун кўришлар, азим қадриятларнинг поймол бўлаётган аср вабосида кунпаякун бўлади. Чарлз

[10] Сомерсет Моэм. Ой ва сариқ чақа. –Т: “Шарқ”. 2006. –Б.53.

ISSN 3030-3907

Стрикленд ана шундай мураккаб шахс бўлиб, романнинг поэтик конструкциясида алоҳида мавқе касб этади.

Проф.Д.Қуронов бадиий нутқ ҳақида тўхталар экан, шундай изоҳлайди: “Бадиий тилнинг тасвирийлиги насрий (эпик) асарларда янада ёрқинроқ намоён бўлади. Лирик асарларда тасвирланган ташқи манзара лирик қаҳрамон ички оламига олиб кирувчи воситагина (янъни, унда воқеликнинг шу мақсадга етиш учун зарур фрагментларгина қаламга олинади) бўлса, эпик асарларда тасвирланган бадиий воқелик ўзича мустақил, объективлашган манзара саналади. Шу боис ҳам эпик асарларда ижодкор кўзи билан кўрилган воқелик ўқувчи хаёлида ҳам жонланади. Ўқувчи асар воқеалари юз бераётган жой, қаҳрамонларнинг хатти-ҳаракатарини гўё кўрсатиб туради”[11]. Манбада изоҳланишича, ўқувчининг ўзига мақул қаҳрамон билан диалогик суҳбатга киришиши, мулоқотлар замирида асар воқелигини ҳис этишга етаклайди. Чунки ў асардаги воқелик силсиласида қаҳрамонининг танловини тушуниб боради.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Дониёрова Ш. Шукур Холмирзаев ҳикояларининг бадиий-услубий ўзига хослиги: Филол.фанлари номзоди дисс. -Т.: ЎзФА ТАИ, 2000.
2. Каримов Ҳ. Ўзбек романларининг тараққиёт тамойиллари. – Тошкент: Миллий кутубхона, 2008. – 122 б.
3. Қуронов Д. Адабиётшуносликка кириш. –Т: “Фан”. 2007. –Б.113.
4. Лев Толстой. Иқрорнома. –Т: “Янги аср авлоди”. 2022. –Б.155.
5. Сомерсет Моэм. Ой ва сариқ чақа. –Т: “Шарқ”. 2006. –Б.53.

[11] Қуронов Д. Адабиётшуносликка кириш. –Т: “Фан”. 2007. –Б.113.

ISSN 3030-3907